



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 131 (8621).

10 июль, 1985 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ГАЛАБА—ДАВЛАТГА

ИККИ РАЙОН РАПОРТИ

ЯНГИЙЎЛ

Район галлакорлари пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йилнинг меҳнат қилиб, техника кучидан унумли фойдаландилар. Натижада давлатта пландаги 360 тонна ўрнига 388 тонна бошоқли дон топирилиб, бу борадаги планни анча ортири билан адо этдилар.

Бу йилги мавсум, айниқса, Меҳнат Қазил Байроқ ордени «Коммунизм» ва «СССР 60 йиллиги» медаллари билан раҳбарларнинг кутлуғ келди. Бу ҳужалим-

ларда давлатта йиллик бошоқли дон сотиш планлари 1,5—2 хисса ортири билан бажарилиди. Район меҳнат-кашлари эришган галабага, шунингдек, Калинин номи, Ленин номи, Х. Турсунов номи, Н. Нисонов номи, «Партия XXI съезди» медаллари, галлакорлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Мазкур ҳужалимларнинг й. Норматов, Т. Зиев, У. Дус-жонов сирлари илгир қозилган байрақлар билан ўриб-йигиб олишда ҳаммасларига намуна кўрсатдилар.

ГАЛАБА

СССР Озиқ-овқат про-граммасининг муваффақият-ли бажарилиши йўлида са-марали меҳнат қилаётган Галаба райони галлакорлари давлатга бошоқли дон сотиш планини мuddатидан олдин бажаришди. Давлатта пландаги 1370 тонна ўрнига 1437 тонна сифатли маҳсу-лот етказиб берилди. Мав-жуд 632 гектар майдонда-ги бошоқли дон экинлари ҳосили нес-нобуд қилинмай, ўз мuddатига ўриб-йигиб олинди.

Район галлакорлари эришган галабага Свердлов номи, «Победа» колхозла-ри ҳамда «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхоз деҳқон-лари айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Бу ҳужалимлар-да пландагидан анча кўп маҳсулот топирилиб, со-циалистик мажбурият ҳам ортири билан бажарилиди. Ҳосилдорлик 30—41,1 цент-нерданга тўғри келди.

Ўрим-йигим даврида гал-лазорларда 19 та қомбайн юқори унум билан ишлатил-ди. Уларнинг ҳар бирдан мавсум давомида ўртача 72—75 тоннадан галла ўриб-йигилди. Свердлов но-ми колхоздан А. Шин, «По-беда» колхозидан В. Берез-ной сингари қомбайнчи-лар бу кўрсаткични янада ошириш шарафига муносиб бўлдилар.

Район деҳқонлари ҳосил-дан бўшаган майдонларга силос учун мажбурият экин ишларини ҳам муваф-фақиятли ўтказдилар. Шу кунларда мажбурият экин-ҳо-лларини унинг чиққан май-донларга дастлабки ишлов бериш қизиги олиб борила-моқда.



КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!



БЕШИНЧИ ЎН КУНЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

СИФАТЛИ ЧЕКАНКА— МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Махсус муҳбиримиз Галаба районидаги «Ўзбеки-стон ССР беш йиллиги» совхоз комплекс ме-ханизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, область пахтакорлар Совети-нинг аъзоси ЭНВЕР АЛИЕВ билан учрашиб, айни кунларда гўза парваринини кучайтириш, машина-да чеканка ўтказиш тажрибалари ҳақида суҳбат-ладик.

— Сиз пахтакорлар Со-ветининг аъзосисиз, тажриба-ли деҳқонсиз. Айтингчи, Эн-вер ака, шу кунларда гўза ривожини тезлаштириш, че-канкани вақтида ўтказиш учун нима ишлар қилиш ке-рак? Кеҳатгина область газе-таларида область пахтакор-лар Советининг тавсиялари эълон қилинди. Шу ҳақидаги фикрингиз, ана шу тавсия-ларини қандай қилиб тўла-тў-лис амалга оширсан бўлади?

— Бу саволларга тўлиқ жавоб бериш учун ўз брига-дамизда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб бериш лозим, деб ўйлайман. Чунки бу ишлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу йил биз 110 гектар ер-га чегит эканмиз. Ҳар гек-тар ердан пландаги 33 цент-нер ўрнига 40 центнердан ҳосил олмақчимиз. Йил бо-шиданқо бутун ҳаракат дала-ларда мажбуриятни қопла-диган даражада ҳосил ети-штиришга қаратилган. Ана шу ҳосилни олиш учун аввало ҳар бир агротехника тадби-рини ўз мuddатига сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бераялмиш.

Чегитин еришган табиий на-мига тўла ундириб олдин. Ҳар гектар ерда ўртача 110 минг тулдан соғлом кўчат сақлаб қолинди. Бу С-48-80 навли пахта учун нормал қалинлиқдир. Ҳо-зидаги ишларда гўза марта ишлов берилди. Озиқ-лантиришни асосан тугалла-дик. Бу тадбир уч босқичда амалга оширилди. Биринчи озиқлантириш иккинчи куль-тивация билан биргаликда, иккинчиси биринчи сув ол-дидан ва сўнггиси иккинчи су-вини тараздан олдин амалга оширилди. Шун-дай қилиб, гектарига ўртача 240—260 ки-лограммдан азотли, 180—190 килограммдан фосфорли, 100—120 килограммдан ка-лийли ўғитлар берилди.

Тавсияларда таъкидлан-ганидек гўзани минерал ўғитлар билан эрта озиқлан-тириш ўз самарасини бер-моқда. Ҳозир ҳар туп ни-ҳода 15 тагача ҳосил шохи бор. Олди гўзаларимиз уч-тўрттадан қўсқалади. Айни кунларда ўшидан орқада қўсқалади иккинчи озиқ-лантириш билан биргаликда шарабат оқишамиз.

Биз ҳар йилгидек асосий диққат-эътиборни гўзаларини машинабон қилиб ўстиришга қаратилдик. Бунинг учун ҳар бир тадбирни пухта ба-жариш лозим. Шу кунларда механизаторларимиз куль-тиваторларини тўла қувват билан ишлатишмоқда. Ай-ниқса, сувчиларимиз ниҳот-да сергаклик билан иш юри-тишляпти. Чунки кунлар ни-ҳотда исёвган паллада гў-зани қанчалик қўйиш ҳосил-нинг бир қисми ноубуд бўли-деган сўзидир.

Айни пайтда ана бир му-ҳим тадбир — гўза чеканка-сини ўтказишмиз керак. Юқорда айтганимдек асо-сий ҳосилни машиналарда териб оламиз. Терим агре-гатларидан унумли ва сама-рали фойдаланиш эса кўп жиҳатдан чеканкани ўз вақ-тида сифатли амалга оши-рилишига боғлиқдир.

— Жуда тўғри айтдингиз. Область пахтакорлар Совети-нинг тавсияларида ҳам че-канкани ўз мuddатига ўтка-зиш алоҳида таъкидланди. Хўш, сизлар бу тадбирни қандай амалга оширасизлар?

— Аввало, бригадамизда гўза чеканкани ўз фои-за ма-шиналар ёрдамида бажарила-ди. Ҳар йилнинг шарафига қараб ҳар туп гўзада энг ха-мида 16 тадан ҳосил шохи пайдо бўлганда, чеканка

канка машинасини камиди 10—15 ерда яхшилаб со-лаб, сўнг ишга киришимиз керак.

Гўза чеканкасининг қанча-лик сифатли ва мuddатига ўтказилиши кўп жиҳатдан механизаторга боғлиқ. Агар у масъулиятни ҳис қилиб, виждонан меҳнат қилса, бу муҳим тадбир шунчалек ях-ши бажарилади. Қолаверса, ҳар бир картадаги гўзалар-нинг ривожини, ҳолатини механизатордан яхши била-диган киши йўқ. Шунинг учун у бутун диққат-эътибо-рини чеканка машинасини гўзаларга бир текис мослаб боришга қаратиши керак. Бу ишга энг тажрибали, кўпни кўрган механизаторлар жалб этилса янада яхши бўлади.

Афсуски, кўпгина ҳўжа-ликларда кечатгина трактор рулига ўтирган ёшлар че-канка машинасини палапар-тиш ишлатиб, ҳосилга путур етказишмоқда. Ҳатто маши-нанинг кесуви пичоқларини тескари ўриштиб, гўзани кес-маляпти, деган механизатор-ларни ўзим ҳам кўп кўрган-ман. Менинча, ёш механиз-аторларга ҳар бир тадбирни аниқ ва пухта бажаришни аввал ўргатиш керак. Биз-нинг бригадамизда ана шун-дай тажрибали тракторчилар меҳнат қилишляпти. Масалан, Сабри Карачул 35 йилдан буён механизаторлик қилиб келмоқда. Нурмуҳаммад Саидбоевнинг трактор рулини бошқарётганига тўққиз йил-дан ошди. Улар карталарни-гина эмас, ҳар туп гўзанинг ҳолатини беш қўлдек били-шляпти.

— Ҳозир техниканинг эъ-тиёт қисмлари етишмаслиги туфайли бекор туриб қол-иш ҳоллари ҳам учраб турипти. Уларни бартараф этиш учун нима-лар қилиш керак?

— Ҳақиқатан ҳам эътиёт қисм муаммоси ҳалигача тў-лиқ ҳал этилган йўқ. Маса-лан, чеканка машинасини олиб қўрайлик. Ундаги пич-оқ, қайиш тез ишдан чиқа-ди. Базан карта ўртасида пичоқ синиб, қайиш узийиб кетиши мумкин. Бундай ва-зиятда бу эътиёт қисмлар тракторда бўлмаса, ишда си-фат кетди. Иккинчидан ма-шинани устакхонага олиб бо-риб, ремонт қилгунага анча вақт бекор кетади, иш уну-ми пасаяди. Шунинг учун ҳар бир механизаторда икки-учтадан пичоқ ва қайиш бў-лиши шарт. Ана шундай ва-зиятда унинг ўзи дарҳол уларни алмаштириб, ишин давом эттираверди.

«Госкомсельхозтехника»-нинг районларига бирлаш-малари айни кунларда ҳўжа-ликларни етарли миқдорда комплексланган чеканка ма-шиналари билан таъминлаш-га, зарур эътиёт қисмларни етказиб беришга асосий эъ-тиборни қаратсалар яхши бў-лади. Афсуски, кўпгина кол-хоз ва совхозларда эътиёт қисмларнинг етишмаслиги туфайли машиналар бекор туриб қолмоқда.

Гўзани машинада чеканка-лаш эртаги ва мўл ҳосил етиштириш билан биргалик-да ҳўжаликларга иқтисодий са-мара келтиради. Мен ҳи-соаблаб чиқдим. Бир гектар ерни машина ёрдамида че-канка қилиш учун 4 сўм 80 тийин сарфланмоқда. Агар ишчи майдонини дейлик тўрт киши қўлда ишловдан чи-қарса, 14 сўм 50 тийин ҳақ тўланади. Битта машина би-лан кунига 10 гектар ердаги гўза ишловдан чиқарилиши-ни ҳисобга олсак, бунинг са-мараси ўз-ўзиндан кўриниб турипти.

Ўн биринчи беш йиллигини қандай яхуллашганимиз 1985 йилги меҳнат натижаларимизга боғлиқдир. Бу-ни дилдан ҳис қилган бригадани пахтакорлари КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб меҳнат қил-моқдалар. Бутун имкониятларини ишга солиб, ҳар туп гўзада мўл ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Биз йил бошида зиммамизга олган мажбуриятларимизни албатта бажарамиз.

Суҳбатчи Ф. МУҲИДИНОВ олиб борди.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

◆ Область пахтакорлар Советининг июль—август ойларида гўзага ишлов беришни ку-чайтириш ва мўл эртаги ҳосил тўплаш юза-сидан тавсияларига қатъий амал қилайлик.

◆ Гўзани маҳаллий органик ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш ва қатор ораларини юмшатиш ишлари бир-бирига боғлаб олиб бо-рилиши зарур. Айниқса, гўзаси ривожлани-дан орта қолган майдонларнинг ҳар гекта-рига камиди 10—15 тоннадан яхши чирган маҳаллий ўғит солиб, агротехника ишловини кучайтириш керак.

◆ Саратонда гўзани чилла сувиға қонди-

ришга, айниқса, тунда суғоришга алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозир гўзаларга кўп-роқ шарабат суви оқишиш фойдалидир. Бу та-дбир ҳосил тугунчаларининг кўпайишига, кў-сакларнинг бўлиқ бўлишига ёрдам беради.

◆ Зараркунанда ҳашаротларга қарши зий-раклик билан тинимсиз кураш олиб борила-диган пайт келди. Ўргимчаккана, кўсак қурти ва шира каби ҳашаротлар пайдо бўла бошла-ган участкалар аниқланиб, дарҳол чора кў-риш керак. Бунинг учун кўпроқ биологик усулдан фойдаланиш.

◆ Гўзани чеканка қилиш энг муҳим агро-

техник тадбирлардан биридир. Мўл ҳосил тақдир чеканка мuddатининг тўғри белгила-ниши ва қай даражада сифатли ўтказилиши-га кўп жиҳатдан боғлиқдир. ЧВХ-4, ЧВХ-3,6, ЧВТ-4Б механизмлари ҳозирданқо яхши соз-ланган ҳолда тракторларга осиб қўйилган бў-лиши керак.

◆ Июль—август ойлари ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр эканлигини унутмайлик. Ҳамма техника воситалари, ишчи кўчлари гўза парваринишга тўла сафарбар этилиб, ҳар бир агротехника тадбирлари қўлай мuddат-ларда оби-тобида ўтказилсин.

◆ ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» колхоз пахтакорлари КПСС XXVII съезди шарафига 880 гектар майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиш-тиришга аҳд қилишган. Шу мақсадда айни кунларда гў-за парвариниш област пах-такорлар Советининг та-всиялари асосида олиб бор-

моқдалар. Суратларда: (ўн-да, чапдан) колхоз бош агро-номы Шукр Мамедов, ил-гор механизатор Қўзғонбек Қолдибеков ва бригада бош-лиғи Дусебой Ҳорозовлар гў-за ривожини кўздан кечир-моқдалар; пастда — пайкал-ларга ишлов бериш пайти.

А. Зуфаров фотолари.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

БРИГАДИРНИНГ ҲАСРАТИ

БҲКА районидagi «Ком-мунизм» колхозида 1985 йилнинг ўтган ойлариди чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кескин камайиб кетди. Сабабини сўрасангиз, ҳўжалик раҳбарлари, мута-хассислар турли баҳоналар-ни рўқсат қилишмоқда. Хўш, аслида ўтган олти ойда бри-гана сўт етиштирилиши сал-кам 200 тоннага камайиб кетганлигига сабаб нима? Биз яқинда шу ҳўжаликда бўлиб бу қолқилининг асл саба-бини билан қизидик.

бажаришган, холос. Айниқ-са, бедазорлар ҳосилдорли-ги кескин пасайган. Мав-жуд майдонлардан аранг 150 тонна беда пичми жи-гарилди.

Энг ачинарлиси шундаки, колхозда мавжуд озуқа экинлари сифатсиз парвар-иш қилинаётганлиги, ўз вақтида ўриб-йигиб олилма-ётганлиги туфайли ем-ха-шакнинг сифати ёмонлашиб кетмоқда. Озуқалар тарки-биди қорамоллар учун қимматли бўлган қоритин ва бошқа витаминлар ноубуд бўлганлиги. Ҳатто соғин си-гирларга кўк озуқа бериш ҳам пала-партиш ташкил этилмоқда. Шу сабабли йил давомида ҳар бош соғин си-гирдан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 500 килограмдан кам сўт соғиб олинди.

— Э, нимасини айтасиз, — дейди колхоз ем-хашак етиштириш бригадаси бош-лиғи Абдусамат Исхоков. — Биз-ку бир амаллаб беда-лини ҳосил қилиб, ўстириш-ляпти. Лекин уларни ўз мuddатига ўриб-йигиб олиш учун қўлимиз етмасляпти. Колхоз правлениесига қат-навийиб чараб кетдик.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Шу кунгача колхоз бўйича дағал хашак тайёрлаш йил-лик планни 15,3 процента

тайёр пичанини фермага та-йийимизни ёки ўриб олишдан бедазорларни суғоришми?

Бу ҳам майли-я, озуқа етиштиришда ишлайдиган техника ҳам етишмаляпти. Пешонамизда биттагина бе-да ўрувчи КИР-1,5 маркали механизм бор эди. У ҳам бир ҳафта ишлар-ишлამас-синди. Шу-шу ремонт қил-диган одам йўқлигидан бе-кор турибди. 31 гектар ерда арангиз бор эди. Ҳалигача ўриб-йигиб ололганимиз йўқ.

...Ҳа, ҳўжаликда ҳақиқа-тан аҳвол чатоқ. Гарчаки ўтган йилги қиш ойлариди колхозда ем-хашак тақ-қилишга дуч келинган бўлса-да, ундан тегишли хулоса чиқарилмади. Эндигина юз гектар ердан бедазор бир марта ўриб олинди, холос. Бу билан 1985—1986 йил чорва қишлоғига етарли миқдорда озуқа тайёрлаб бўладими? Бригадирнинг ҳасрат қилганча бор. Кол-хоз раҳбарлари, партия таш-килотли бу долзарб вазифа билан жиддий шугулланиш-ляптилар. Ем-хашак етиш-тиришга зарур шарт-шароитлар яратилмади, бу ишга етарли миқдорда ишчи кўчлари ажратилма-ган.

Область партия комитети-нинг бюро йиғилишида ем-хашак етиштириш кескин кўлайитиш ҳақида кон-крет вазифалар қўйилди. Бу вазифалар бевосита «Ком-мунизм» колхоз раҳбарла-рига ҳам етишляпти. Шун-дай экан, теда бу соҳада кескин бўрилиш исми ке-рак. Бутун кўчи ем-хашак етиштиришга, уни ўз мuddатига ўриб-йигиб олашга қаратиш лозим.

Область партия комитети-нинг ақидида бўлиб ўтган бюро йиғилишида мазкур ҳўжаликда чорвачилик маҳ-сулотлари етиштириш кес-кин камайиб кетганлиги, ем-хашак тайёрлашга жиддий эътибор берилмаётганлиги қатъий таъкид қилинган эди. Лекин «Коммунизм» колхоз раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари булдан те-гишли хулоса чиқариб ол-мадилар. Ҳали ҳам ҳўжа-ликда ўзиб-йигилган, маҳсу-лиятсизлик давр этимоқда. Бунга тезроқ чек қўйиб, бу-тун кўчи ем-хашак етиш-тиришга, уни ўз мuddатига ўриб-йигиб олишга қаратиш керак.

А. ҲАМИДОВ.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-бекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Со-вети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети давлат-га мева-сабзавот маҳсулотла-рини сотиш юзасидан обла-стлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги со-циалистик мусобақанинг

1985 йил 1 июлгача бўлган аяқуларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-бекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Со-вети ва Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг кўма-и Қизил байроқлари қўйилганларга берилди: Сурхондарё обла-сти, Тошкент обла-сти,

Тошкент областининг Тошкент райони, Сурхон-дарё областининг Денов рай-они, Бухоро областининг Гинжудов райони, Тошкент мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш аграр-санаят, библи-манинг «Қорасу» совхози, Тошкент область Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз.

КОМСОМОЛ ГАЗЕТАСИНING ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон комсомол матбуоти жанговар органи — «Еш Ленинчи» газетаси ташкил этилганга ол-тинчи йил тўлди. Шу йиллар мобайнида унинг саҳифа-ларида эълон қилинган ма-териаллар республика йигит ва қизларини социализм ку-риш учун курашга, унинг галлабаларини ҳимоя қи-лишга, халқ ҳўжалигини янада юксалтириш, партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумла-ри қарорларини амалга оширишга сафарбар этишда муҳим роль ўйнади. 9 июль

куни Тошкентда жамоатчи-лик вакилларининг комсо-мол газетаси юбилейи ша-рафига бағишланган йиғи-лини бўлиб ўтди. Редакция коллективига тантанали вазиятда Ўзе-бекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Газета республика ёшларини ком-мунистик руҳда тарбия-лаш, уларни ҳўжалик ва маданий қурилиш вазифа-ларини муваффақиятли ба-жаришга сафарбар этишда хизматлари учун шу муно-фотга сазовор бўлган эди. (ЎЗТАГ).



№ 5 (14)

Бўлимни Тошкент обла-
ст Давлат автомобил инспек-
циясининг бошлиғи М. АХ-
МЕДОВ раёнидаги жамо-
атчилик Совети олиб бора-
ди.

- ◆ ШАХСИЙ МАШИНАДА МИЖОЗ АХТАР-
ГАНЛАР
- ◆ ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ИШЛАРИ
- ◆ АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ВАҚТЛАРДА

КИРАКАШЛАР

ОДАМ машинани ўзи-
нинг, олдсининг ёғирини
ешиб, узунини яриб қилиш
учун сотиб олади. Бироқ,
айрим одамлар борки, маши-
на сотиб олишдан олдин ун-
дан шахсий бойини кўзда
тутади. Қандай қилиб?
Албатта, киракашлик би-
лан...

Яна айрим одамлар борки,
машина сотиб олган, аввали-
га «бензин учун» йўл-йўла-
кай учраган одамни олиб ке-
тилади. Кейин эса мазаху-
ракча ўрганиб, бўш қолди
дегунча машинада кўча ке-
чилади. Ҳатто киракашлик
«ёқиб қилиб» ишлаб турган
тўппа-тузуқ вазиё-лаво-
зиларини йиғиштириб қў-
йиб, киракашликни бирақ-
ла «қасб қилиб олган» одамлар-
ни ҳам биламиз.

Бу эса мумкин эмас. Ҳа-
ракат хавфсизлиги Қонда-
ли бўли таъқиқлайди. Унда
бундай шофёрлар Қонун йў-
ли билан жазоланиши кўзда
тутилган.

Шунга қарамай, кўча ва
йўлларимизда ўз кассасини
қўлга олиб, мақсадда из-
ғиб юрган машина эгалари
ҳақон учраб турибди. 33—
72 ТШР номерли «Моск-
вич» эгаси Абдурахим Ой-
беков ўзбекистон Халқ Хў-
жалини Ютуқлари Кўргаз-
масида электрик бўлиб иш-
лаб экан. Абдурахим бу
касибни қанчалки ахири-
ёмон ўзлаштирганидан бе-
хабармиз, лекин у кира-
кашликни ахир ўзлаштириб

олганлигидан бохабармиз. У
уш йўловчини кира ҳақини
олди. 10 сўмга шарт-
лашган ҳолда, аэропортга
олиб кетаётганида тўхтати-
ди...

Йўловчи Иноғомов Тош-
кент районига қўшни Сари-
ғоч район кассахонасида
«Тез ёрдам» шофёри бўлиб
ишлайди. У сменадан бўш
пайтларида ҳам «тез ёрдам»
курсади. Фақат, бу ёрдам
беморларга эмас, йўлдаги
йўловчиларга қаратилган.
Мақсад эса аниқ — чўнтак
дарди. У ўзининг Д 43—04
ТШР номерли «Жигула»-сида
кундузи соат 12 да икки
одамни 10 сўмга шартлашиб
манзилга олиб кетаётганида
қўлга тушибди. Киракашлиги
тўғрисида ўзи ҳам, йўловчи-
лар ҳам ёзма равишда қў-
рсатма беришди.

Г 23—90 ТШР номерли
ВАЗ-2106 машина эгаси
Тулаган Раҳматовнинг кира-
кашликка руж қилгани та-
ажуб. Чўки у... техникум-
да ўқитиб бўлиб ишлайди.
Област Давлат автомобил
инспекциясидаги қарточка-
сида эса Шредер номли бог-
дорчилик, узумчилик ва ви-
ночилик илмий ишлаб чи-
қариш бirlашмасида брига-
дир эканлиги ёзилган. Балки у
кейинроқ бirlашма хузури-
даги техникумга ўқитувчи
вазифасига ўтгандир. Ҳар
икки ҳолда ҳам, унинг тўрт
йўловчини 80 сўмга шартла-
шиб, олиб манзилга йўлга
чиқарилиши пулга ҳис қўй-
ди.

Ю. НЕВЗОРОВ,
Тошкент обла-
сти ички
ишлар бошқармаси бо-
шлигининг ўринбосари, ми-
лиция майори.



ИЧКИЛИКВОЗЛИК — ЖАМИЯТИМИЗГА
ЕТ ИЛЛАТ

НАФС БАНДАЛАРИ

«ИРРИГАТОР» ишчи-
лар таъминоти бўлимининг
омбор мудирини М. Миртожи-
ев «қитта» отиб олди-да,
ўзининг ВАЗ-21063 «Жигу-
ла» машинасига ўтирди. Г 11
28 ТШР номерли янги бу
машина Тошкент — Заркент
йўлида шомолдек елиб бо-
рарди. У ҳам тезликдан,
ҳам маслиҳатдан машина ру-
лини зарур даражада бош-
қаролмай қўлиб, рулпаси-
дан келмаган мотоцикл
билан тўқнашди. Мотоцикл
ҳайдовчиси ҳаётдан бевақт
кўз юмди...

Мана, оқ ароқнинг қора
қилими. Бир инсон ёруғ
дунёдан кетди, машина бош-
қаришдан олдин ароқдан
ўзини тиймаган Миртожи-
ев ҳам, албатта, қонуний жа-
зо-сини олади. Бу жазо ҳай-
да-сини олади, ишдан ҳай-
далиш эмас, балки бир неча
йилга озолиқдан маҳрум
этилиши эканини ҳамма я-
хши билади.

Билди туриб ўзини хароб
этайтганлар, ароқнинг «ул-
фати»га қўлаётганлар ҳа-
мон учраб туради. А. Аши-
ров ана шуларнинг бири бў-
либ чиқди. У Вустонлида-
ги 125-автотбус-тақсимот
паркида ҳайдовчи бўлиб
ишлайди. Оқ ароқнинг қора
или қанақа бўлишини у
ҳамадан кўра кўпроқ би-
лади, чўки касби шофёр.
Спиртли ичимлик ичиб ма-
шина ҳайдаш мумкин эмас-
лигини минг марта эш-
таган. Лекин у... иди. Ичи-
Д 50 15 ТШР номерли шах-
сий «Москвич»ни ҳайдаб
кетди. Наримов — Чимён
йўлида тезликни тобора

Фазалендига 2-ўйсо-
лик механизацияланган кў-
ча колонна илчиси В. Мо-
роз ҳам ароқни кўрганида
бул-лункини йиғиштириб
оқомайди-данадан экан
ишчили, «отиб» олиб
Чимёнга «томон» жўнади.
Г 84 01 ТШР номерли «Жи-
гула» тоғ йўлида «учиб»
борарди. Бир мажаро йўл
ёқисидида хара-сантига қар-
сиклаб урилди! Машинадаги
уч киши оғир жараҳатлан-
ди...

Энди рақамларга муро-
жаат этсак, шу йилининг ў-
тган беш ойи мобайнида об-
ластимизда 500 дан ортиқ
йўл-транспорт ҳодисаси со-
дир бўлди. Бунда шу ҳо-
дисалар сонидан кўпроқ одам
жараҳатланди, ўлаб киши-
лар ҳаётдан бевақт кўз ю-
мди. Бу ҳодисаларнинг ўрта-
ча 30 проценти ва энг
«оғир» эса маст ҳайдовчи-
лар томонидан содир этил-
ган.

Машина ҳайдашдан олдин
«қитта» отишга жазм қила-
ётган ҳар бир киши худди
шундай ҳодиса ўзи билан
ҳам руи бериши мумкинли-
гини унутмаслиги керак!..

Қ. МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция капитани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК

КОМИЛЖОН ФЕСТИВАЛДА КУЙЛАЙДИ

КОМИЛЖОНЛАРНИНГ
хонадонига Муқимий номли
театр артисти Р. Ҳожи-
ев тез-тез келиб турар, бу ерда
меҳмон бўлганида унга ал-
батта дотор тутқизишарди.
Раҳимжон аканинг қўлига
соз олиб, ширалли овоз билан
қўшиқ бошлаганини ёш Ко-
милжон эйрақлик билан қу-
затиб ўтирарди...

Мана, уш ҳавас эндилик-
да алағи олиб, ёш исте-
дод эгасини қўшиқ илос-
мандларига танитмоқда.
1982 йилдан бошлаб Ўзе-
кистон ССР Хунар-техника
таълими Давлат комитети
маданият уйининг «Хилола»
ансамблида қатнашаётган
К. Йўлдошев бу ижодий
коллектив билан бирга рес-
публикамизнинг бир қатор
шаҳар ва қишлоқларида ўз
санъатини намоён қилиш
шарафига муяссар бўлди.



Томошабинлар унинг ижро-
сида «Тошкентим», «Хутор-
лигим», «Ватан», «Кўз ту-
тай» каби лирик қўшиқлар-
ни катта қизқич билан
қарши олдидлар.

Ўтган йили эса К. Йўлдо-
шев зарбдор комсомол қу-
рилшларида кўрсатилган
концертларда фаол ишти-
рок этганига ва юксак ижро-
чилик маҳорати учун Тошкент
област Ленин комсомоли
мукофоти билан таърифли-
га сазовор бўлди.

Истеъдодли хонада яқин-
да ансамбль билан бирга
ёшлар ва студентларнинг
Москвада ўтказилган
XII Жаҳон фестивалида иш-
тирок этиш учун Ватанимиз
пойтахтига жўнаб кетди.

Сурагда: (ўйганда) «Хило-
ла» хонандаси К. Йўлдошев.
Е. Ботиров фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТ САРОЙИДА РИТМИК ГИМНАСТИКА

Халқбод посёлкасининг ма-
даният саройида ишчи-хизмат-
чиларнинг дам олишларини
намунали ташкил этиш, бўш
вақтларини турли хил қизи-
қарли учрашувлар, тематик
кечаларга бағишлаш мақсади-
да қатор муҳим тадбирлар
белгиланган. Янгийўл райони
бадий ҳаваскорлик коллекти-
ви қатнашчилари ва бошқа

моқда, Нелла Дроздина — уй
бекаси, Зура Мундубоева — уй
врач-фтизиатр, Света Пак, Лю-
да ва Тая Пронкиналар эса
Усмон Юсупов номли агро-
нот бирлашмасининг ишчи-
хизматчиларидир.

Машгулотларни А. Навоий
номли Ўзбекистон ССР Дав-
лат академик опера ва ба-
ллет катта театрининг хорео-
графи Роза Искандерова олиб
бормоқда. Ритмик гимнастика
илосмандлари солиқларини
мустақамлаш билан биргалик-
да кувонқ кайфияти ҳам эга
бўлмоқдалар.

Х. ТЕМИРОВ.

ХОЛИС ЁРДАМ

АДДИС-АБЕБА, 8 июль.
(ТАСС). Социалистик ҳам-
дустлик мамлакатлари
Эфиопияда узоққа қўзилган
қургўқчилик оқибатларини
туғатишга катта ҳисса қўш-
мақдалар, деди Эфиопия
ишчи партияси Марказий
Комитетининг аъзоси, ёрдам
бериш ва қайта тиклаш иш-
лари комиссиясининг қў-
мисари Даудт Вольде-
Горсиос. У Куба Компартия-
си Марказий Комитети халқ-
аро алоқалар бўлими му-
дирининг ўринбосари Эло
Вальдесни бу ерда қабул
қилиб, дўст давлатларнинг
мадади табиий офатга қар-
ши курашининг Эфиопия иш-
чи партияси ва Эфиопия
ҳукумати ишлаб чиққан
программасини муваффа-
қият равишда амалга оши-
ришга қўмақлашганли-
гини уқтириб ўтди.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ҲУКУМАТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

КОНАКРИ, 8 июль.
(ТАСС). Бу ердаги халқ са-
ройи олдига Гвинея ҳукума-
тини қўллаб-қувватлаб
оммавий митинг ўтказилди.
Митингда нугў сўзлаган рес-
публика президенти генерал
Лансана Конте давлат қу-
тариши йўлидаги уриниш
армиянинг қатъий ҳаракат-
лари натижасида ва аҳоли-
нинг мадади билан барбод
этилди, деб таъкидлади.
Исбнинг қўлига ташки-
лотчилари шу жумладан
уларнинг бошлиғи полков-

ДЕКЛАМА ВА ЭҶЛОНЛАР

УЙДА КИР ЮВСАНГИЗ—

НА СИНКАГА, НА СОВУНГА ҲОЖАТ ЙЎҚ!
«МЕЧТА» ВА «ПАЛЬМИРА» КИР ЮВИШ ПАС-
ТАЛАРИ:
ТЕЗ ЮВАДИ,
ОРАСТА ҚИЛАДИ,
ҒАЗЛАМАНИНГ ТОЛАСИНИ ТИТИБ ЮБОРМАЙДИ.
ЎЗИ СИНКАЛАЙДИ,
УЙ БЕКАСИННГ МАШАҚҚАТИ ОСОН БЎЛАДИ.



Дастурхонлар, сочқилар, салфеткалар ва чойшаблар
бундай кир ювиш пасталари билан ювилгандан кейин мо-
вийсимон майиш тусга кирди. Айниқса тулли газламали
буюмларнинг жойибаси янада очилди.

Бу пасталар асосан пахта ва қановдан тайёрланган бу-
юмларни ювишга мўлжалланган.

«ЛАНДИШ» ТАКОМИЛЛАШГАН КИР ЮВИШ ПАС-
ТАСИ ҲАР ҚАНДАЙ ТУСДАГИ ҒАЗЛАМАЛАРНИ
ЯХШИ ЮВАДИ.

БУ ПАСТА БАРЧА ТИПЛАГ КИР ЮВИШ МАШИ-
НАЛАРИДА БУЮМЛАРНИ ТЕЗ ВА ОРАСТА ЮВАДИ.
ЧУНКИ «ЛАНДИШ»НИНГ ТАРКИБИДА КўП КўП-
РАДИГАН МОДДАЛАР БЎЛИБ, УЛАР МАШИНА-
НИНГ ИШИНИ АНЧА ЕНГИЛЛАШТИРАДИ.

«ЛАНДИШ» ПАСТАСИ ҚОШИМЧАСИ—Билтур, чўкини, со-
пол, ишпа буюмларини ва қониларни яхши ювади.

«ЎЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ.
«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ
БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА
АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
слесарлар, токарлар, фрезерчилар, қопилочилар,
штамповкачилар, қўйиқчилар, қўйиқчилар, токар-револь-
верчилар, тракторчилар, шофёрлар, иссиқ штамповка
штамповкачилари аниқланишлари, электромонтерлар,
қўйиқчи сабабиди ишчилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙўЛЛАМАЛАР ОЛИШ
УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИ-
ЛИНСИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТИ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-
подъезд, 5-хона;
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-
уй;

ОКТЕБЕР РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 64-
3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 3-қават, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-
уй;

КУЙВИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 64-
59-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОВИР РАЙОН ПУНКТИ — ПУНКТИ — Қорасарой
кўчаси, 270-уй;

СЕРТЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-қават, 69-уй;
АКМАЛ ИКОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор
массиви, 22-қават, 13-уй;

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32